

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНИДА ВОЯГА ЕТМАГАН ГУВОҲЛАРНИ ИШТИРОКИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

А.С. Пўлатов

Ю.ф.ф.д., доцент

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17958906>

Жиноят процессида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини ва мажбуриятларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Зотан вояга етмаган шахслар нафақат ёш нуқтаи назаридан ҳимояга мухтож ижтимоий қатлам, балки процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан муомила лаёқати, агар ушбу масала гувоҳнинг лаёқатига тегишли масала бўлса, унда бу масала кўмакка мухтож процесс иштирокчисига тааллуқлидир. Негаки вояга етмаган шахс – жиноят процессида ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қобилиятига тўлиқ эга бўлмаган иштирокчидир. Шу сабабдан жиноят процессида “вояга етмаган шахс” тушунчаси икки жиҳати билан ажралиб туради: 1) *умумий*, яъни шахснинг (фуқаронинг) муомила лаёқати; 2) *махсус*, яъни иштирокчининг процессуал-ҳуқуқий лаёқати.

Шахснинг *муомила лаёқати*, яъни фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаро ҳуқуқларга эга бўлиш, ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, шунингдек муайян мажбуриятларни бажариш иқтидори тўлиқ равишда фуқаронинг вояга етиши билан, яъни ўн саккиз ёшга тўлгандан сўнг вужудга келиши ҳақида Фуқаролик кодексининг 22-моддаси умумий талабларни белгилаган.

Махсус лаёқат фуқарога тааллуқли умумий муомила лаёқатининг бир қисми бўлиб, процессуал-ҳуқуқий муносабатлар доирасида шахснинг (иштирокчининг) вужудга келадиган, кечадиган ва яқунланадиган муомила лаёқати тушунчасини ўз ичига олади.

Вояга етмаган иштирокчининг махсус процессуал-ҳуқуқий муомила лаёқати қуйидаги ижтимоий ва табиий хусусиятларга боғлиқ: а) *ўзининг ёши билан боғлиқ ҳолда, оилада ота-онасининг тарбиясида бўлган, ижтимоий муносабатларга ҳали тайёр эмаслиги боис ижтимоий фаоллиги чекланган шахс*; б) *жисмоний ва физиологик жиҳатдан етарли ривожланмаган, яъни биологик организм ўсишда ҳамда ёш билан боғлиқ ҳолда жинсий гармонлар шаклланиш жараёнида бўлган шахс*.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда шакланган “вояга етмаган шахс” тушунчасининг аниқ талқини 547-моддасида ифода этилган бўлиб, унинг асосини вояга етмаган шахснинг *ёши* эгаллайди. Мазкур моддага кўра, жиноят қилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахснинг жиноятлари ҳақидаги ишлар ЖПКда белгиланган қоидалар асосида юритилиши зарур.

Жиноят процессида “вояга етмаган шахс” тушунчаси пойдеворида вояга етмаган шахсларга тақдим этилган процессуал-ҳуқуқий кафолатлар қатъий дифференциацияга эга. Жумладан қонунда ўн саккиз ёшга тўлмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи учун алоҳида процессуал кафолатлар тизими шакллантирилган, шу кафолатлардан муҳими – бу ўн саккизга тўлмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишда ҳимоячининг, шунингдек қонуний вакилнинг иштирокидан ташқари (ЖПКнинг 553-моддаси), психолог ёки педагог иштирокининг назарда тутилганлигидир (ЖПКнинг 554-моддаси).

Таъкидланган нормалар ўзида ҳам императивлик, ҳам диспозитивлик хусусиятни намоён қилади. Яъни дастлабки тергов босқичида гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилиш ҳимоячининг иштирокида амалга оширилиши шарт бўлса (ЖПКнинг 53 ва 553-моддалари), сўроқ қилишда қонуний вакилнинг, педагогнинг ҳамда психологнинг иштироки асосан диспозитивлик характериға эға. Аниқроғи ўн саккиз ёшға тўлмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилиш жараёнида қонуний вакилнинг, педагогнинг, психологнинг иштироки жиноят ишини юритаётган суриштирувчининг, терговчининг ёхуд прокурорнинг ихтиёриға боғлиқ.

Назаримизда қонун чиқарувчининг бундай ёндошуви асосида вояға етмаган шахснинг сўроқ қилиш тергов ҳаракатини амалға оширишда ҳимоячининг бу жараёнда иштирок этувчи – қонуний вакилнинг, педагогнинг ёки психологнинг иштирокидан устивор эканлигининг эътирофи ётибди дейиш мумкин. Неғаки жиноят процессида ҳимоячи бажарадиган фаолиятнинг мазмун-моҳияти ҳаммага аён. Унинг мазмуни вояға етмаган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан, унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Бироқ вояға етмаган шахсни сўроқ қилиш жараёнида педагог, психолог ҳамда қонуний вакил амалға оширадиган фаолиятнинг ўзига хос хусусияти мавжуд. Жиноят процессида вояға етмаган шахсни сўроқ қилишда иштирок этадиган педагог ва психологнинг фаолияти аниқ тушунчаға эға эмас. Юридик жиҳатдан “педагог” ва “психолог” ЖПКда “мутахассис” сифатида иштирок этиб, айнан сўроқ қилиш вақтида ким сифатида ва нима “иш” билан шуғулланиши кераклиғи аниқ тушунчаға эға эмас. Амалиётда ҳам педагог ва психолог асосан сўроқ қилиш тартиби талабларини бажариш учун формал тарзда иштирок этганликлари ҳақида педагог ва психологларнинг фикрлари мавжуд. Ўрганилган жиноят ишларида вояға етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида иштирок этган педагогларнинг 79,4% фақат сўроқ жараёнини кузатувчиси бўлганликларини, 17,6% педагог сўроқдан олдин вояға етмаган сўроқ қилинувчига унга маълум бўлган маълумотларни кўрқмай, очиқ сўзлаб бериш ҳақида тавсиялар бериш билан фаолиятлари чекаланганлигини айтиб ўтганлар¹.

Шунингдек ўрганиб чиқилган жиноят ишларида мавжуд бўлган вояға етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида иштирок этган 35та педагогларнинг фақат тўртаси саволлар бериш билан фаол иштирок этганлар холос².

Амалиётдаги педагогнинг ва психологнинг нофаол процессуал ҳаракатлари сабабларини улар фаолиятининг аниқ норматив тартиби мавжуд эмаслиғи билан боғлаш мумкин. Мамлакатимиз ЖПКнинг 69-моддаси мутахассис фаолиятининг процессуал-ҳуқуқий мазмунини намоён этади. Унга биноан мутахассис тушунтириш бериш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан чақирилиши мумкин. Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакаға эға бўлган бошқа шахслар ҳам чақирилиши мумкин.

¹ Суриштирувчи, терговчи, прокурор, адвокат, педагог ва психологлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига оид маълумотларидан.

² Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг ҳамда Тошкент шаҳарридаги жиноят ишлари бўйича Олмазор, Шайхонтохур, Миробод, Яккасарой ва Мирзо Улуғбек туман судларида 2018-2020йилларда кўриб чиқилган жиноят ишларини ўрганиш натижасида олиб борилган умумлаштириш маълумотларидан.

Демак педагог ва психолог жиноят-процессуал қонунига асосан “мутахассис” мақомига эга. Бундай фикрни илгари суриш учун уч асос муҳим ўрин тутди. *Биринчиси*, тергов ёки суд муҳокамаси даврида муайян ҳаракатни амалга ошириш учун зарур бўлган билим ёки малакага эга бўлган шахсга эҳтиёжнинг мақжудлиги; *иккинчиси*, ушбу билим ёки малакага эга шахс ёрдамида жиноят иши учун аҳамиятли бўлган далилларни аниқлаш ва уларни мустаҳкамлаш имконининг мавжудлиги; *учинчиси*, жамият зиммасида воягв етмаган ёки бошқа руҳий ёрдамга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш вазифасининг мавжудлиги. Қисқа қилиб айтганда зарур билим ва малака ҳамда ёрдам кўрсатиш ихтидорига эгалик – бу жиноят процессида “мутахассис” тушунчасининг асосий белгилари ҳисобланади.

Шундай бўлсада педагог ёки психологнинг жиноят процессига жалб қилинишига фақат муайян процессуал масала бўйича тушунтириш бериш эҳтиёжи сабаб бўлиши мумкин. Бошқача айтганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноят иши доирасида тушунишни истаётган масалага ойдинлик киритиш эҳтиёжи туфайли педагог ва психолог жиноят процессига кириб келади. Бунинг учун педагог ёки психолог суриштирувчи, терговчи, суд тушунишни истаётган масаланинг предметига оид билимга, малакага эга бўлиши зарур. Жиноят процессида педагог ва психологга қўйиладиган асосий талаб ҳам шу тушунчадан иборат.

Аммо сўроқ қилиш жараёнида мутахассис сифатида педагог, шунингдек психолог қандай масалага ойдинлик киритиши мумкинлиги ҳақида амалиётдаги ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, унча аниқ аниқ эмас.

Психологнинг сўроқ қилиш жараёнидаги иштироки мутахассисга қўйиладиган процессуал талабларга бир мунча мос келади. ЖПК 70-моддасининг иккинчи қисмида мутахассиснинг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, шулардан бевосита икки вазифа психологнинг жиноят процессидаги иштирокига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Булар: а) психологнинг махсус билимларидан фойдаланиб далилларни аниқлаш ва қайд этиш; б) суриштирувчи, терговчи, суд амалга ошираётган ҳаракатлар юзасидан тушунтиришлар бериш.

Шу тушунчалардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини сўроқ қилиш жараёнида иштирок этган психологлар суриштирувчи, терговчи, суд амалга ошираётган ҳаракатлар юзасидан амалда бирон бир тушунтиришлар берган эмаслар. унинг асосий сабаби қайд этилганидек, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг сўроқ қилиш жараёнида иштирок этаётган психолог бажариши лозим бўлган фаолиятнинг аниқ тартиби мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Дарҳақиқат вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда иштирок этаётган психологнинг процессуал функциясининг мазмуни нимадан иборат?

Шубҳасиз, сўроқ қилинаётган ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳнинг (вояга етмаган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг) руҳий ҳолати, шахснинг когнитив хусусиятлари, фикрлаш салоҳияти ва қобилияти, бош миyaning соматик-физиологик ҳолати каби саволларга психолог ўзининг билим ва малакаси асосида ойдинлик киритиш имконига эга. Аммо сўроқ қилиш тергов ҳаракатидан кўзланадиган айна мақсад – вояга етмаган шахсдан жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳаққоний

маълумотларни тўлиқ равишда олиш, қайд этиш ва ундан далил сифатида фойдаланиш каби натижага эришиш ҳисобланади.

Сўроқ қилиш жараёнида вояга етмаган шахснинг руҳий-психологик ҳолатини аниқлаш зарурияти вужудга келса суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд сўроқ қилишдан олдин психологга вояга етмаган шахсни ўрганиб чиқиш (суҳбатлашиши) вазифасини юклаши мумкин. Сўроқ қилинувчи вояга етмаган шахснинг руҳий ҳолатини аниқлаштиришда жиноят ишини юритаётган шахс ушбу масалани ўрганган психологга сўроқ қилиши мумкин. Бундай ҳолатда психолог айнан “мутахассис” сифатида фикр билдириши ҳамда бу ҳақда кўрсатув бериши лозим.

Бу ерда гап вояга етмаган шахсни сўроқ қилиш жараёнида психологнинг иштироки ҳақида кетаётган экан, унда сўроқ қилинувчи вояга етмаган шахснинг руҳий-психологик ҳолати ҳақида психолог-мутахассиснинг фикр билдириши ушбу тергов ҳаракати учун долзарб масала ҳисобланмайди, башарти сўроқ қилиш жараёнида сўроқ қилинувчи шахснинг руҳий ҳолатининг мутаносиблиги юзасидан шубҳалар вужудга келмаган бўлса. Боз устига сўроқ қилишдан олдин ёки унинг жараёнида психолог томонидан сўроқ қилинаётган вояга етмаган шахснинг руҳий-психологик ҳолатини аниқлаш шарт эканлигини белгиловчи процессуал қоидалар мавжуд эмас. Ушбу масалага эҳтиёж, таъкидланганидек, фақат сўроқ қилинаётган вояга етмаган шахснинг руҳий-психологик ҳолатини аниқлаш зарурияти мавжуд бўлган тақдирда вужудга келади.

Бундай ҳолатда ЖПКнинг 86-моддаси мазмунига кўра, мутахассиснинг фикри исботлашнинг манбаига, мутахассиснинг ўзи эса исботлаш фаолиятининг иштирокчисига айланиши мумкин.

Шу масалада жиноят-процессуал ҳуқуқида бир қанча қарашлар шаклланган. Жумладан, россиялик олим А. Н. Екимовскаянинг ёзишича, „вояга етмаган шахсдан маълумотларни, айниқса ўсмирлардан зўравонлик ҳақидаги маълумотларни олиш жуда мураккаб жараёндир. Бу масалада айнан тегишли мутахассиснинг иштироки катта ёрдам бериши мумкин. Шу сабабдан қонун чиқарувчи вояга етмаган жабрланувчини сўроқ қилиш вақтида мутахассиснинг иштирокини мажбурий тарзда белгилаб қўйган. Лекин айрим тоифадаги, хусусан номусга тегиш ҳамда шахсга қарши жиноятлар бўйича вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишда педагог билан бирга албатта психолог ҳам иштирок этиши, агар улардан бирини танлаш зарурати юзага келса, мутахассис сифатида психологнинг иштирокини мақуллаш мақсадга мувофиқдир³.

С. Ю. Ревтованинг фикрича, вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда қонун чиқарувчи сўроқ қилиш жараёнда мутахассис кўмагига зарурият сезилганда тегишли мутахассиснинг малака ва билимидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олмаган. Қонун бўйича ўн олти ёшга тўлмаган шахсни сўроқ қилишда ҳар қандай мактаб ўқитувчиси қатнашиш имконига эга. Аммо бошланғич синфларда ўқийдиган ўқувчиларни гувоҳ сифатида сўроқ қилишда иштирок этадиган юқори синфлар билан ишлайдиган педагогларнинг руҳшунослик малакаси ва билими етарли

³ Екимовская А. Н. Роль специалиста в допросе несовершеннолетних потерпевших по делам о насильственных преступлениях сексуального характера // Аспирантский вестник. Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, Санкт-Петербургский юридический институт. –СПб.: 2012. –С. 211-212.

бўлмайди. Шу сабабли кичик синфларда ўқийдиган жабрланувчини ёхуд гувоҳни сўроқ қилишда психологларни жалб қилиш тўғри бўлади⁴.

Ушбу масалада олиб борилган ижтимоий сўровлар ҳам деярли қайд этиб ўтилган фикрларни тасдиқлайди. Чунончи, сўровга жалб этилган психолог ва педагогларнинг 67,2% ўн олти ёшга тўлмаган жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишда асосан психологлар иштирок этишлари зарур деган фикрни билдирганлар. 24,5% респондентлар эса, ўн олти ёшга тўлмаган жабрланувчини ва гувоҳни сўроқ қилишда педагогнинг иштироки етарли деган хулосага келганлар. 8,3% мутахассислар шу ёшдаги шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилишда ҳам педагогнинг, ҳам психологнинг иштироки муҳим деб ҳисоблаганлар⁵.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида педагог амалга оширадиган фаолиятнинг хусусияти ҳақида қатъий шаклланган фикрлар мавжуд. Уларнинг кўпчилигида эътироф этилишича педагог муайян процессуал масала бўйича тушунтириш бериш билан боғлиқ “мутахассис” фаолиятини амалга оширмайди.

Жумладан россиялик олим М. П. Дудиннинг фикрича, жиноят процессидаги педагогнинг фаолияти мутахассис фаолиятининг мумтоз тушунчасидан фарқлидир. Педагог ва психолог амалга оширадиган процессуал вазифа энг аввало сўроқни амалга ошираётган суриштирувчи ва терговчи, шунингдек суд билан сўроқ қилинаётган вояга етмаган шахс (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек гувоҳ ва жарбанувчи) ўртасида вужудга келадиган ва кечадиган процессуал-ҳуқуқий муносабатларда якуний мақсадларга эришишдан, яъни сўроқ қилинаётган вояга етмаган шахс жиноят иши бўйича аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тўлиқ аниқлаш ва ҳаққоний ҳолатларни баён қилиш ҳолатига кўмак бериш ҳамда сўроқ қилиш ҳаракати натижасида вояга етмаган шахсга етказилган ёки етиши мумкин бўлган руҳий-психологик оқибатларни енгиллаштиришдан иборат⁶.

Шунингдек россиялик олим С. В. Артемовнинг фикрича, муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишга жалб қилинадиган “педагог”нинг тушунчаси айтиб юридик тушунча бўлиб, ЖПКда назарда тутилган “мутахассис” тушунчасидан фарқ қилади. Унинг таъкидлашича, мутахассиснинг фаолияти: ашё ва ҳужжатларни аниқлаш, қайд этиш ва олиб қўйиш, жиноят ишида мавжуд бўлган материалларни текшириш учун техник воситаларни қўллаш, экспертга саволлар қўйиш, шунингдек ўз билим ва касб маҳорати асосида тарафларни ҳамда судни қизиқтирган саволларга тушунтиришлар беришдан иборат бўлса, педагогнинг асосий процессуал вазифаси – вояга етмаган шахс томонидан кўрсатув бериш жараёнидан келиб чиқадиган салбий оқибатларни бартараф этишдан ҳамда суриштирувчига, терговчига ва судга сўроқ қилиш натижасида олинган маълумотларни қайд этишга ёрдам беришдан иборат⁷.

⁴ Ревтова, С.Ю. Психические состояния, оказывающие влияния на формирование показаний несовершеннолетней потерпевшей // Судовывесник. – 2007. – №1 – с. 45-48.

⁵ Илованинг ...бетига қаранг

⁶ Дудин Н. П., Луговцева С. А. Судебное разбирательство уголовных дел в отношении несовершеннолетних. –СПб.: 2005. –С.122.

⁷ Артемов С. В. К вопросу о законодательном регулировании участия педагога в уголовном судопроизводстве //Вестник Казанского юридического института МВД России. №1(23). 2016. –С.130.

Вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда иштирок этувчи педагогнинг асосий вазифасига Г. А. Пантюхина терговчи ва сўроқ қилинувчи вояга етмаган шахс ўртасидаги руҳий алоқани ўрнатиш ҳамда педагог сифатида терговчи томонидан сўроқ қилинувчи вояга етмаган шахс олдида қўйиладиган саволларни тўғри шакллантириш масалаларини киритади⁸.

Бу масалада мутахассис ва экспертлар ўртасида олиб борилган ижтимоий сўровларда 63,7% респондентлар вояга етмаган шахсларни сўроқ қилиш жараёнида иштирок этадиган педагогларнинг процессуал вазифаси сўроқ қилинувчи шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишдан; 23,9% сўроқ қилинаётган вояга етмаган шахсдан жиноят иши учун аҳамиятли маълумотларни тўлиқ равишда олишга кўмак беришдан иборат, 12,4% респондентлар эса педагогнинг сўроқ қилиш жараёнидаги вазифаси ноаниқ эканлигини таъкидлашган.

Бундай қарашларнинг асосида, назаримизда вояга етмаган шахсни сўроқ қилиш жараёнида иштирок этувчи педагог фаолиятини айнан шахс ҳуқуқларини кўриклаш вазифасида кўришлари билан боғлиқ ёндошув ётади.

Шу билан бирга юридик адабиётларда педагог-мутахассиснинг педагогик маълумотига эга бўлиши шарт эмаслиги, аммо албатта таълим бериш тажрибасига эга бўлиши шартлиги ҳақида фикрлар ҳам билдирилади.⁹ Худди шу ёндошув кўпчилики олимлар томонидан мақулланади. Зеро мазкур ёндошув тарафдорлари жиноят ишида иштирок этиш учун жалб қилинадиган педагогнинг маълумотини тасдиқловчи дипломдан кўра, унинг педагогик тажрибаси муҳимроқ деб ҳисоблайдилар¹⁰.

Г. А. Пантюхинанинг таъкидлашича, педагогни танлашда терговчи вояга етмаган шахсларнинг, ўсмирларнинг психологиясини яхши билувчи ҳамда сўроқ қилинувчи вояга етмаган шахсларнинг ишончини оқлашни уйдасидан чиқувчи педагогларни таклиф қилиши мақсадга мувофиқдир. Хуллас педагог сўроқ қилиш тергов ҳаракати жараёнида ўзининг иштироки билан боғлиқ вазифаларни яхши англаши лозим¹¹.

Бу масалада Н. И. Порубов янада аниқроқ фикр билдиришга ҳаракат қилади. Унинг эътироф этишича, вояга етмаган шахсни сўроқ қилиш жараёнига жалб қилинадиган иштирокчиларни танлаш масаласи жиддий тактик ҳусусиятга эга. Айрим вояга етмаган шахслар ўзлари яхши танийдиган педагогнинг иштирокида кўрсатув беришни хошлайдилар, бошқалари – ўз ота-оналари, учинчилари эса – бошқа мактабнинг педагоглари иштирокида кўрсатув беришни истайдилар. Шунга кўра терговчи сўроқ қилишдан аввал унинг жараёнида иштирок этувчи ота-оналарни, педагогларни сўроққа тайёрлаш зарур. Ўғилболаларни имкон қадар эркак педагоглар иштирокида, қизларни аёл педагоглар иштирокида сўроқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Яхшиси сўроқ

⁸ Ўша асарда.

⁹ Иванов А. И. Расследование изнасилований малолетних: Автореф...дисс. канд.юрид.наук. Челябинск, 2004. –С.22-23.

¹⁰ Масалан: Багаутдинова Ф. Н. Ювиальная юстиция начинается с предварительного следствия //Российская юстиция. №9. 2002. –С.44.

¹¹ Пантюхина Г. А. Тактико-психологические особенности производства допроса несовершеннолетних на стадии предварительного расследования //Социологические и гуманитарные науки. № 1, 2018. – С.142.

қилинувчи вояга етмаган шахсдан сўроқ жараёнида кимнинг иштирок этиши мақул эканлигини сўроқ қилинаётган вояга етмагандан аниқлаштириб олиш асослидир¹².

Худди шундай фикрни Э. Б. Мельникова¹³ ва С. С. Чернова¹⁴ ҳам мақуллайдилар.

Қайд этилган фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, вояга етмаган шахсни сўроқ қилиш жараёнида иштирок этадиган педагогнинг жиноят процессига жалб қилишда унинг ҳалқ таълими соҳасида иш стажига ёки педагог касб малакасига эга бўлиши зарурлигига оид масалалар долзарб ҳисобланади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, адвокат, педагог ва психологлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига оид маълумотларидан.
2. Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг ҳамда Тошкент шаҳарридаги жиноят ишлари бўйича Олмазор, Шайхонтохур, Миробод, Яккасарой ва Мирзо Улуғбек туман судларида 2018-2020йилларда кўриб чиқилган жиноят ишларини ўрганиш натижасида олиб борилган умумлаштириш маълумотларидан.
3. Екимовская А. Н. Роль специалиста в допросе несовершеннолетних потерпевших по делам о насильственных преступлениях сексуального характера // Аспирантский вестник. Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, Санкт-Петербургский юридический институт. –СПб.: 2012. –С. 211-212.
4. Ревтова, С.Ю. Психические состояния, оказывающие влияния на формирование показаний несовершеннолетней потерпевшей // Судовывесник. – 2007. – №1 – с. 45-48.
5. Илованинг ...бетига қаранг
6. Дудин Н. П., Луговцева С. А. Судебное разбирательство уголовных дел в отношении несовершеннолетних. –СПб.: 2005. –С.122.
7. Артемов С. В. К вопросу о законодательном регулированию участия педагога в уголовном судопроизводстве //Вестник Казанского юридического института МВД Росии. №1(23). 2016. –С.130.
8. Ўша асарда.
9. Иванов А. И. Расследование изнасилований малолетних: Автореф...дисс. канд.юрид.наук. Челябинск, 2004. –С.22-23.
10. Масалан: Багаутдинова Ф. Н. Ювиальная юстиция начинается с предварительного следствия /Российская юстиция. №9. 2002. –С.44.
11. Пантюхина Г. А. Тактико-психологические особенности производства допроса несовершеннолетних на стадии предварительного расследования //Социологические и гуманитарные науки. № 1, 2018. –С.142.
12. Порубов, Н.И., Порубов, А.Н. Допрос: процессуальные и криминалистические аспекты: монография. – М.: Юрлитинформ, 2013. – С. 215.
13. Мельникова Н. Б. Участие специалистов в следственных действиях. –М.: 1984. – С.87.

¹²Порубов, Н.И., Порубов, А.Н. Допрос: процессуальные и криминалистические аспекты: монография. – М.: Юрлитинформ, 2013. – С. 215.

¹³ Мельникова Н. Б. Участие специалистов в следственных действиях. –М.: 1984. – С.87.

¹⁴ Чернова С. С. Допрос несовершеннолетнего: процессуальные аспекты //Юридическая наука и правоохранительная практика. №2, 2019. –С.96.

14. Чернова С. С. Допрос несовершеннолетнего: процессуальные аспекты //Юридическая наука и правоохранительная практика. №2, 2019. –С.96.